

## Бизга ета олмайсан!



08:09 / 28.08.2020 1857

Имом Бухорий, имом Муслим каби зотларнинг устози бўлмиш Убайдуллоҳ Қоваририй розияллоҳу анҳу айтади: «Хуфтон намозини жамоат билан ўқишни ҳеч қачон қанда қилмаганман. Бир куни уйимга меҳмон келиб қолди. У билан машғул бўлиб, хуфтонни жамоат билан ўқий олмадим. Кўчага чиқиб, қайси масжидда хуфтон ҳали ўқилмади экан деб, ҳаммаёқни қидира бошладим. Ҳамма жойда намоз ўқиб бўлинган, масжидларнинг эшиги ёпилиб бўлган эди. Ноилож уйимга қайтиб, «Ҳадисда айтилганки, жамоат билан ўқилган намоз ёлғиз ўқилган намоздан йигирма етти баравар устун бўлади», дедим-да, хуфтонни йигирма етти марта ўқидим. Сўнг ухлаб қолибман. Тушимда от устида кетаётган бир тўда одамлар билан бирга эмишман. Менда ҳам от бўлиб, биз мусобақалашаётган эканмиз. Мен отимни ҳар қанча чоптиришимга қарамай, уларга ҳеч ета олмас эдим. Улардан бири менга ўгирилиб қараб, «Отингни бекорга

чарчатма, сен бизга ета олмайсан», деди. «Нима учун ета олмайман?» деб сўрадим. У: «Чунки биз хуфтон намозини жамоат билан ўқидик, сен эса ёлғиз ўқидинг», деди. Уйқудан ғамга ботган, маҳзун ҳолда уйғондим».

**«Солиҳлар гулшани» китобидан**